

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ВАЛЮТА
ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ**

**Фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А3406011 - «Халқаро молиявий муносабатлар»
магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчи: проф. Хошимов Б.А.
Такризчилар: доц. А. Усанов.
проф. Хасанов Б.А.

Бозор иқтисодиётининг ривож топиши — бу бозорда ўз ўрни, яшаш шарт-шароитлари учун курашиладиган ўта оғир, катта машаққат талаб этувчи меҳнат натижасидир.

Бу дастурда халқаро валюта муносабатлари, миллий валюталарнинг жаҳон бозорида амал қилиши билан боғлиқ товар айрибошлашда, пул муносабатлари билан таъминлашда мамлакатлар ўртасидаги бошқа алоқаларни йўлга қўйиш, тўлов ва кредит муносабатларида валютадан фойдаланиш каби иқтисодий муносабатлар қамраб олинди. Шунингдек валюта курсининг тизимлари, валюта курсини тартибга солиш, миллий валютага бўлган талаб ва таклифга асосан миллий валютани алмаштириш курси, Ўзбекистоннинг валюта муносабатларга кириб бориши каби масалалар билан танишасиз.

Переход к рыночной экономике, завоевание на рынке собственного места и для жизнедеятельности требует много труда и сил.

В данной программе содержатся и раскрываются основные направления, которыми должны владеть специалисты: валютные отношения, участие национальной валюты на международном рынке и товарообороте, денежные взаиморасчеты с другими странами, использование валюты при оплате и кредитных отношений.

Также в ней можно ознакомиться, с вступлением Узбекистана в сферу деятельности валютных операций и др. Направлениями: формы курса валюты, порядок составления курса валюты, спрос национальной валюты и предложения по обмену курса национальной валюты.

The transition toward market economy, conquests it's own place and viability demand much work and strength.

This program contains and covers the basic activities the specialists need to have of: currency relations, national currency sharing in international market and commodity circulation, cash settlements with other country by means of currency sharing in international market and commodity circulation, cash settlements with other country by means of currency in payments and credit relations.

Also the program introduces Uzbekistan joining the sphere of currency operation and other directions: form of currency rates, procedure of formation of national currency rates, demand and supply of exchange rates.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома)

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида иш юритадиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш масалаларига чуқур эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари стандартлар бўйича ҳар бир ўқитилаётган фанлардан дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди. «**Ташқи иқтисодий фаолият** ва валюта **операцияларининг ҳисоби**» фани бўйича ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, «Аудит» мутахассислиги учун мўлжалланган.

Ўқув **фанининг** мақсади ва вазифалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юзага келган «Фирма баҳоси», «Ноу-Хоу», опцион, фьючерс, валюта ва бошқа юзлаб муомала шакллари шубҳасиз илмий-тадқиқот ва

маънавий-маърифий тарғибот ишларини доимий равишда ва зудлик билан амалга оширишни талаб қилмоқда. Зеро вақт кутиб турмайди, бозор муносабатлари эса доимо такомиллашиб боради.

Хорижий инвестицияларни мустақил республикамиз иқтисодиётига жалб қилиш ва ўз навбатида, ташқи бозорда фаолият кўрсата олиш, маблағларни шакллантириш каби талабларга жавоб бера оладиган мутахассисларга ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисобини ўрганиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Демак, «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби» фани магистрантларда шу соҳага доир зарур билимларини шакллантириш мақсадида тасдиқланган ўқув-дастурнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Магистрантлар ўқув дастурига мувофиқ «Ташқи иқтисодий **фаолият** ва валюта **операцияларининг ҳисоби**» фанини асосий йўналиш фани сифатида чуқур ўрганадилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ташқи иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлашда халқаро ҳисоб стандартларига мувофиқ ҳисобини юритиш ва валюта операцияларининг ҳисобини тўғри ташкил қилиш, уни юритишни ўрганиш асосий вазифалардан биридир. Бу фанни ўрганишда магистрантлар Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудиги юридик ва жисмоний шахслар томонидан келтирираётган, шунингдек Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг айрим турларига акциз солиғи тўловлари тартиби ҳақидаги» Молия вазирлигини 1997 йил 7 апрелдаги 310-1 сонли йўриқномаси, «Банк низом жамғармасидаги чет эл валютасини қайта баҳолаш юзасидан тушунтириш бўйича» Молия вазирлигининг йўриқномаси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (1997 йил 8 июль) фармони ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларга ҳамда мазкур йўналиш бўйича иқтисодий адабиётларда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Фан бўйича магистрантларнинг б.м.и.м., кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Мазкур йўналишда ўқийдиган магистрантлар «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби» фани бўйича чуқур билим олиб етук мутахассис булиб етишишлари учун куйидаги талабларни билишлари зарур:

- ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби фани халқаро муносабатларни ўрганиш, алоқаларни янада мустаҳкамлашнинг асосий мезони эканлигини;
- чет эл сармояларини республикамизга жалб этиш ва халқаро ҳамжамиятга қўшилишда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асос бўлиб хизмат қилишини;
- ҳозирги замон тараққиётида ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта операцияларининг аҳамияти ва ўрнини;
- миллий валюта - сўмнинг қадрини ошириш ва эркин конвертация қилиш даражасига олиб чиқишда валюта операциялари ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини;
- хорижий компания ва фирмалар билан ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри амалга оширишни ва бу бўйича ўзларининг хулоса ва таклифларини;
- ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби фани Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг ажралмас қисми эканлигини;
- ўқитиш жараёнида назарий ва амалий билимни узвийлигига эришиш этиш, магистрантларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини тобора орттириб, уларга имкон қадар мустақил билим олиш учун шароит яратиб бериш лозим.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Фанни ўрганиш куйидаги фанлар бўйича билимга эга бўлишни тақозо этади:

- Молиявий ҳисоб - 2;
- Бошқарув ҳисоби- 2 ;
- Амалий аудит;
- Молиявий таҳлил — 2
- Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими;
- Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби;
- Ҳозирги замон иқтисодиёти назарияси ва амалиёти;
- Молия математикаси;
- Давлат молиясини бошқариш.

Фанни ўқитишдаги инновацион технологиялар

Магистрантларга «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби» фанини замонавий усулда ўргатиш ва уларнинг билимларини янада чуқурлаштириш учун куйидагилардан фойдаланилади:

- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- магистрантларни аввалдан тарқатма ўқув материаллари билан таъминлаш;
- таянч ибораларни ишлаб чиқиб, магистрантлар томонидан уларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш;
- амалий машғулотларда «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби» бўйича иш уйинларини қўллаш;
- магистрантлар билимларини ўзлари баҳолашлари учун шароит яратиб бериш;
- меъёрий (дастлабки) ҳужжатлар билан таъминлаш ва уларга ёзувлар қилиш;
- магистрантларга «**1С:Бухгалтерия**», «**Турбо-Бухгалтерия**» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

«Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби» фани магистрантларга иккинчи семестрда ўқитилади. Бу семестрда «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби» тўғридаги тушунчалар ва уларни ҳисоби ҳамда тақдим этиладиган ҳисоботлари тартиби тўғрисида муҳим коидалар ўргатилади. Фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулот шаклида ўтказилиб, аудиторияда олган назарий билимларини мустақамлаш учун уй вазифалари берилади. Билимларни назорат қилиб боришда тест-синов усуллари қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади ва улар профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми

Олий касб таълимининг давлат стандартида «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисоби» фанига жами 60, шундан, маъруза - 20, амалий машғулот 20 - мустақил таълими 20 соат ажратилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг мавзулари Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг моҳияти

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида тушунча. Жаз;он иқтисодиётининг ривожланишида ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш зарурияти. Ўзбекистоннинг гео-сиёсий имкониятлари.

Мустақил ташқи сиёсат тамойилларини ишлаб чиқилиши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши. Халқаро ва миллий ҳисоблар тизимларининг қиёсий тавсифи.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг қарор топишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар билан интеграциялашуви.

Халқаро ҳисоб ва ҳисобот шаклланиши тарихи

Ҳукуматлараро ташкилотлар ва уларда халқаро бухгалтерия тизимларининг ташкил этилиши. Халқаро ташкилотларда ҳисобот шакллари умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари.

Бухгалтерларнинг халқаро касбий уюшмалари ва уларнинг халқаро ҳисоб ва ҳисобот тизимини шакллантиришидаги фаолияти. Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг номлари ва тузилиши. Халқаро қасаба уюшмаларининг ҳисоб ва ҳисобот соҳасидаги фаолияти. Халқаро бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаклланиш жараёнлари.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта муомалалари ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий тамойиллари

Миллатлараро ва миллий бухгалтерия ҳисоби тизими ва уларнинг тавсифи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги трансмиллий корпорациялар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи стандартлари қўмитаси фаолияти. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисобининг асосий тамойиллари. Валюта операциялари ҳисобини юриштишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ташқи иқтисодий фаолият ташкилотлари ва валюта муомалалари ҳисоби

Бухгалтерия эҳисобининг ҳисоблар режаси ва улар тузилишининг умумий асослари, ҳисоблар тизимини кодлаштириш тартиби.

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисоблар режаси. «Харажатлар - маҳсулотлар чиқариш» усули асосида ҳисоблар режасида молиявий натижаларни аниқлаш тартиби. Африка бирлиги ташкилотларига аъзо бўлган давлатлар бухгалтерия ҳисоби ҳисоблар режаси. Ягона ҳисоблар режасини қўллашда француз бухгалтерия ҳисоби мактабининг таъсири. Англосаксония гуруҳига кирувчи давлатларда бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблар режасининг ўзига хос хусусиятларда ягона ҳисоб тизимининг тавсифи. Валюта ҳақида тушунча, банк муассасаларида валюта ҳисобини очиш тартиби. ҳисобот валютаси. Чет эл валютаси. Чет эл валютасидаги муомалалар ҳисоби.

Экспорт операциялари ҳисоби

Экспорт операцияларини ҳисобга олишнинг умумий тархи. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича товарларни экспорт қилувчи субъектларнинг гуруҳланиши: ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларни хорижга сотувчи корхоналар, товарларни хорижга сотувчи савдо фирмалари, тижорат ва бошқа хизматларни кўрсатувчи корхоналар. Экспорт муомалаларини ҳисобга олиш. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш. Экспорт операциялари бўйича харажатларни ҳисобга олиш.

Товарларни нақд пулга **сотиш ҳисобининг** умумий тархи

Товарларни воситачи ташкилотлар орқали нақд пулга сотиш. Экспорт товарни нақд пулга жўнатиш. Экспорт корхоналарида тижорат қарзи бериш бўйича муомалаларни ҳисобга олиш. Нақд пулга сотиладиган товарларни ҳужжатлаштириш тартиби.

Товарларни етказиб бериш бўйича спузлган шартномага кўра фактура қийматини аниқлашда қўлланиладиган FOB (Free and Board), FAS (Free Alongside Ship), CAF (Cost and Freight), CIF (Cost, Insurance, Freight). Товарларни республикада нақд пулга жўнатишда ҳукуматларга асосланиши. FOB шартномаси.

Брокерлик идораларида экспорт муомалаларнинг ҳисоби

Брокерлик ҳақида тушунча. Фонд биржалари. Товар биржалари. Валюта биржалари. Республика кўчмас мулк биржаси.

«Тошкент» Республика Фонд биржаси. Брокерлик идораларида экспорт муомалаларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Бўнак (аванс) тўловлари ҳисоби

Моддий бойликларнинг етказиб берилиши, бажарилган иш ва хизматлар ўрнига берилган бўнак (аванс)лар ҳисоби. Берилган бўнак

(аванс)ларнинг ҳар бир дебитор бўйича юритиш тартиби. Моддий бойликларни етказиб бериш ёки ишларнинг бажарилиши ўрнига олинган бўнак (аванс)лар ҳисоби.

Товарларни хорижда қайта ишлаш бўйича қилинган харажатлар ҳисоби ва молиявий натижаларни аниқлаш

Экспорт қилинган товарларни МДХ омборларида қайта ишлашни %ҳисобга олиш.

Хорижий давлатлар омборларида товарларни қайта ишлаш бўйича қилинган харажатларнинг одисоби. Фирмалар молиявий фаолиятини ҳисобга олиш. Чизиқли ҳисоблаш усулида янгидан яратилган қийматни акс эттириш орқали молиявий натижаларни аниқлаш тартиби.

Корхониларнинг ўз маблаелари ёрдамида инвесторларни молиялаштириши. «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги низом асосида молиявий натижаларни аниқлаш, ҳисобнинг миллий стандартлари асосида молиявий натижаларни акс эттиришга концептуал ёндошувлар. Даромадларни тан олиш вақти.

Реэкспорт (қайта экспорт қилиш) бўйича импорт муомалалари ҳисобининг умумий тархи

Импорт муомалаларини зрмобга олишнинг услубий тархи. Нақд пулга олинадиган импорт товарларни ҳисобга олиш. Импорт ускуналарини тижорат қарзи эвазига сотиб олишни ҳисобга олиш. Импортчи ташкилотларда бўнак (аванс) тўловлари ва кафолат суммаларини ҳисобга олиш

Импорт товарни воситачи ташкилот орқали сотиб олишни одисобга олиш. Импорт товарни МДХ ва хориж омборларида қайта ишлашни ҳисобга олиш. Марказлашган қарзларни ҳисобга олиш. Ўзбекистон Республикасидаги буюртмачилар учун воситачилик ташкилоти томонидан валюта харид қилишни ҳисобга олиш. Реэкспорт ҳақида тушунча. Реэкспорт муомалаларини, консигнация қилинган товарларни ҳисобга олиш.

Банк муассасаларида валютаяи конвертация қилиш муомалалари ҳисоби

Конвертация қилиш тўғрисида тушунча. ЭАВ (эркин алмаштириладиган валюта) тўғрисида тушунча. Транзит валюта ҳисоб

- варақаси. Жорий валюта ҳисоб - варақаси. Хориждаги валюта ҳисоб
- варақаси. Блок ҳисоб - варақаси. Кросс - курс, валюта курси. «Спот» курси, «Форвард» курси, Епилиш курси.

Пул моддалари. Чет эл валютасидаги кредит. Ҳисоблашиш санаси. Узоқ муддатли моддалар. Курс тафовутларининг солиққа таъсири. Чет эл қарзлари билан суғурталанган нетто-инвестициялар. Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга амалга ошириш тартиби. Хорижий валютадаги ҳисоб рақамларида маблағлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги муддати ўтказилган мажбуриятларини қоплаш тартиби.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича бажарилган ва олинган ишлар, хизматлар ҳисоби

Чет эл объектларини хуригига доир муомалаларни %исобга олиш. Хорижда техник ёрдам кўрсатиш бўйича, МДҲда пудрат объектларини куришга доир муомалаларни ҳисобга олиш. Хорижда лицензия, «ноу — хоу», бошқа ҳужжатларни сотиб олиш ва инженер техник ходимларни ўқитишга доир муомалаларни ҳисобга олиш.

Бартер (айрибошлаш) муомалаларини ҳисобга олиш. Компенсация муомалаларини ҳисобга олиш.

Импорт ускуналарни ижарага олиш(молиявий лизинг)ни ҳисобга олиш.

Ўзбекистонда бухгалтерия зрлсоби ва аудитни ислох целиида хориж ташилотлари фаолиятини ҳисобга олиш («115АЮ» — АҚШ агентлиги). Халқаро туризм ва унинг фаолиятини ҳисобга олиш.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ **Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг моҳияти**

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида тушунча. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш зарурияти. Ўзбекистоннинг гео-сиёсий имкониятлари. Мустақил ташқи сиёсат тамойилларининг ишлаб чиқилиши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши. Халқаро ва миллий ҳисоблар тизимларининг қиёсий тавсифи*.

Ўзбекистонда бозор мунособатларининг қарор топишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар билан интеграциялашуви бўйича масалалар ечиш.

Халқаро ҳисоб ва ҳисобот шаклланиши тарихи

Хукуматлараро ташкилотлар ва уларда халқаро бухгалтерия тизимларининг ташкил этилиши. Халқаро ташкилотларда ҳисобот шакллариининг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари.

Бухгалтерларнинг халқаро касбий уюшмалари ва уларнинг халқаро ҳисоб ва ҳисобот тизимини шакллантиришдаги фаолияти. Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг номлари ва тузилиши*. Халқаро касаба уюшмалари ва уларнинг ҳисоб ва ҳисобот соҳасидаги фаолият. Халқаро бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаклланиш жараёнлари бўйича масалалар ечиш.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта муомалалари ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий тамойиллари

Миллатлараро ва миллий бухгалтерия ҳисоби тизими ва уларнинг тавсифи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги трансмиллий корпорациялар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи стандартлари кўмитаси фаолияти*. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисобининг асосий тамойиллари. Валюта операциялари ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича масалалар ечиш.

Ташқи иқтисодий фаолият ташкилотлар ва валюта муомалалари ҳисоби

Бухгалтерия ҳисобининг счетлар режаси ва улар тузилишининг умумий асослари, счетлар тизимини кодлаштириш тартиби*.

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси. «Харажатлар - маҳсулотлар чиқариш» усули асосида счетлар режасида молиявий натижаларни аниқлаш тартиби. Африка бирлиги ташкилотларига аъзо булган давлатлар бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси. Ягона счетлар режасини қўллашда француз бухгалтерия ҳисоби мактабининг таъсири. Англосаксония гуруҳига кирувчи давлатларда бухгалтерия ҳисоби счетлар режасининг ўзига хос хусусиятларда ягона ҳисоб тизимининг тавсифи. Валюта ҳақида тушунча, банк муассасаларида валюта счетини очиш тартиби. Ҳисобот валютаси. Чет эл валютаси. Чет эл валютасидаги муомалалар ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

Экспорт операциялари ҳисоби

Экспорт операцияларини ҳисобга олишнинг умумий тархи. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича товарларни экспорт қилувчи субъектларининг гуруҳланиши: ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларни хорижга сотувчи корхоналар, товарларни хорижга сотувчи савдо фирмалари, тижорат ва бошқа хизматларни кўрсатувчи корхоналар*. Экспорт муомалаларини ҳисобга олиш. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш. Экспорт операциялари бўйича харажатларни ҳисобга олиш бўйича масалалар ечиш.

Товарларни нақд пулга сотиш ҳисобининг умумий тархи

Товарларни воситачи ташкилотлар орқали нақд пулга сотиш. Экспорт товарни нақд пулга жўнатиш. Экспорт корхоналарида тижорат қарзи бериш бўйича муомалаларни ҳисобга олиш*. Нақд пулга сотиладиган товарларни ҳужжатлаштириш тартиби.

Товарларни етказиб бериш бўйича тузилган шартномага кўра фактура кийматини аниқлашда қўлланиладиган **ФОВ (Free and Board), ФАС (Free Alongside Ship), КАФ (Cost and Freight), СИФ (Cost, Insurance, Freight) усуллари**. Товарларни республикамизда нақд пулга жўнатишда ҳукуматларга асосланиши. ФОВ шартномаси бўйича семинарлар ўтилади ва масалалар ечилади.

Брокерлик идораларида экспорт муомалаларнинг ҳисоби

Брокерлик ҳақида тушунча. Фонд биржалари. Товар биржалари. Валюта биржалари. Республика кўчмас мулк биржаси*.

«Тошкент» Республика Фонд биржаси. Брокерлик идораларида экспорт муомалаларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича масалалар ечиш.

Бўнак (аванс) тўловлари ҳисоби

Моддий бойликларнинг етказиб берилиши, бажарилган иш ва хизматлар ўрнига берилган бўнак (аванс)лар ҳисоби*. Берилган бунак (аванс)ларнинг ҳар бир дебитор бўйича юритиш тартиби. Моддий бойликларни етказиб бериш ёки ишларнинг бажарилиши ўрнига олинган бўнак (аванс)лар ҳисоби бўйича масалалар ечиш.

Товарларни хорижда қайта ишлаш бўйича қилинган харажатлар ҳисоби ва молиявий натижаларни аниқлаш

Экспорт қилинган товарларни МДХ омборларида қайта ишлашни ҳисобга олиш*.

Хорижий давлатлар омборларида товарларни қайта ишлаш бўйича қилинган харажатларнинг ҳисоби. Фирмалар молиявий фаолиятини ҳисобга олиш. Чизиқли ҳисоблаш усулида янгидан яратилган қийматни акс эттириш орқали молиявий натижаларни аниқлаш тартиби.

Корхоналарнинг ўз маблағлари ёрдамида инвесторларни молиялаштириши. «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги низом асосида молиявий натижаларни аниқлаш. ҳисобнинг миллий стандартлари асосида молиявий натижаларни акс эттиришга концептуал ёндошувлар. Даромадларни тан олиш вақти бўйича масалалар ечиш.

Реэкспорт (қайта экспорт қилиш) бўйича импорт муомалалари ҳисобининг умумий тархи

Импорт муомалаларини ҳисобга олишнинг услубий тархи. Нақд пулга олинган импорт товарларни ҳисобга олиш. Импорт ускуналарини тижорат қарзи эвазига сотиб олишни ҳисобга олиш. Импортчи ташкилотларда бўнак (аванс) тўловлари ва кафолат суммаларини ҳисобга олиш*.

Импорт товарни воситачи ташкилот орқали сотиб олишни ҳисобга олиш. Импорт товарни МДХ ва хориж омборларида қайта ишлашни ҳисобга олиш. Марказлашган қарзларни ҳисобга олиш. Ўзбекистон Республикасидаги буюртмачилар учун воситачилик ташкилоти томонидан валюта харид қилишни ҳисобга олиш. Реэкспорт ҳақида тушунча. Реэкспорт муомалаларини ҳисобга олиш консигнация қилинган товарларни ҳисобга олиш бўйича масалалар ечиш.

Банк муассасаларида валютани конвертация қилиш муомалалари ҳисоби

Конвертация қилиш тўғрисида тушунча. ЭАВ (эркин алмаштириладиган валюта) тўғрисида тушунча. Транзит валюта ҳисоб

- варақаси. Жорий валюта ҳисоб - варақаси. Хориждаги валюта ҳисоб
- варақаси. Блок ҳисоб - варақаси. Кросс - курс, валюта курси. «Спот» курси, «Форвард» курси, Ёпилиш курси.

Пул моддалари. Чет эл валютасидаги кредит. Ҳисоблашиш санаси. Узоқ муддатли моддалар. Курс тафовутларининг солиққа таъсири. Чет эл қарзлари билан суғурталанган нетто-инвестициялар. Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш тартиби*. Хорижий валютадаги ҳисоб рақамларида маблағлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидидаги муддати ўтказилган мажбуриятларини қоплаш тартиби бўйича масалалар ечиш.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича бажарилган ва олинган ишлар, хизматлар ҳисоби

Чет эл объектларини кўришга доир муомалаларни ҳисобга олиш. Хорижда техник ёрдам кўрсатиш бўйича, МДХда пудрат объектларини куришга доир муомалаларни ҳисобга олиш.* Хорижда лицензия, «ноу-хау», бошқа ҳужжатларни сотиб олиш ва инженер-техник ходимларни ўқитишга доир муомалаларни ҳисобга олиш.

Бартер (айрибошлаш) муомалаларини ҳисобга олиш. Консигнация муомалаларини ҳисобга олиш.

Импорт ускуналарни ижарага олиш(молиявий лизинг)ни ҳисобга олиш.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислоҳ қилишда хориж ташкилотлари фаолиятини ҳисобга олиш («115АШ» — АҚ1П агентлиги). Халқаро туризм ва унинг фаолиятини ҳисобга олиш бўйича масалалар ечиш.

Информацион техник таъминот

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларининг ҳисобини ўрганишда ҳозирга вақтда қўлланилаётган техник воситалардан фойдаланиб, бутун ҳисоб тизимини автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобига ўтказиш бугунги куннинг асосий муаммолардан биридир.

Фани ўрганишда техник воситаларни, айниқса, компьютерни қўллаш кўпроқ самара беради. Магистрантлар қуйидаги слайдлардан фойдаланишлари мумкин:

- Акциянинг турлари;
- Баланс;
- Молиявий натижалар ҳисоби (ф-2)
- Дебитор ва кредитор билан ҳисоб-китоблар;
- Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ва харидорнинг ўзаро ҳисоб-китоблари;
- Пул маблағлари оқимининг ҳисоби;
- Облигация, вексель, опцион ва фьючерс ҳисоби.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби фанини ўрганишда ахборот воситаларидан, яъни Интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланадилар. Унда қуйидаги сайт ва электрон почталар мавжуд:

<http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)

<http://www.aicpa.org/index.html> (American Institute of Certified Public Accountants)

<http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors – United Kingdom)

<http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)

Шунингдек, Республикада чоп этилган газета ва журналлардаги мутахассисликка тегишли материаллар олинади. Фан бўйича ўзгаришлар, янгиликлар ва янги меъерий ҳужжатлар билан профессор ўқитувчилар таништириб борадилар.

4. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Жорий ва оралиқ баҳолашда магистрант 60 соат (яъни 60 балл)нинг 70%гача балл тўплаши лозим бўлади. Қолган 30% якуний баҳолаш жараёнида тўпланади. Якуний баҳолаш ушбу йўналишнинг ўқув дастурига мос қилиб тузилган саволларни ўз ичига олган вариантлар асосида ўтказилади.

Ўқув жараёни давомида магистрант тўплаши мумкин бўлган максимал балл 60 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 24, оралиқ баҳолашга 18 балл ва якуний баҳолашга 18 ажратилади. "Ёзма иш" вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва магистрантлар рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида ёзма иш натижалари юзасидан қуйидаги мезонлар қабул қилинади:

- 86 % дан 100 % гача-«аъло»;
- 71 % дан 85 % гача —«яхши»;
- 55 % дан 70 % гача-"қониқарли».

"Ёзма иш" вариантларини баҳолаш мезонлари кафедра мажлисининг баённомалари билан тасдиқланади.

5. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998
3. Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2000 йил 31 август 965-сон билан рўйхатдан ўтган «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги» Низом.
4. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30 август 1996 йил. //Халқ сўзи, 1996 йил 12 сентябр.
5. "Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида" Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори)
6. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги. —Т.: Молия, 1998
7. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С., Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана, -Т.: Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистана, 2000.
8. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С., Замоновий бухгалтерия ҳисоби. -Т.: АБМА 2002.
9. Муравьев А. И др. Анализ внешнеэкономической деятельности предприятий. -М.: Финанси и статистика, 1999.
10. Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г. Учет: международная перспектива. -М.: Финанс и статистика, 1999.
11. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета (Под ред. Я.В. Соколова — М.: Финанс и статистика, 1998.
12. Ткач В.И., Ткач М.В., Международная система учета и отчетности. -М.: ФИС, 1998.
13. Френк Вуд, Бухгалтерский учет для предпринимателей. том 1,2,3,4, "ХГС" ООО "Ао АТД" 1996.

Қўшимча адабиётлар

1. "Ўзаро ҳисоб-китоб тизимларини ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора - тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони//Халқ сўзи, 1996 йил 24 январ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони, //Халқ сўзи, 1996 йил 1 январ.
3. "Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини улар томонидан ташкил этилаётган ишлаб чиқаришлар учун технологик ускуналар юзасидан импорт божхона божларини тўлашдан озод этиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 634-сон йўриқномаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 50-сон йўриқномаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 694-сон билан тасдиқланган 1999 йил 8 апрел.
4. Гадоев Э. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари 1999 йил 2-сон.
5. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 1999 - 2001 йил сонлари.
6. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетаси, 1998 -2001 йил сонлари.
7. "Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари" Ахборотномаси, 1999 - 2001 йил сонлари (Иловалар билан бирга).
8. Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси" 1997 й. 24 апрель.
9. Френк Вуд Бухгалтерский учет для предпринимателей. -М: ООО Аскери, 1996г.
10. Хендриксен Е.С. Ван Бреда М.Ф. Теория бухгалтерского учета. 1998
11. Хорнгрен Ч. Фостер Г. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. 1998.

12. Э.А Аренс. Дж.К.Лоббек Аудит. -М.: ФИС, 1998
13. Hitting, C.P. 1998 Financial Accounting Course. - One Page Summaries, Randburg: PC Finance Research CC.
14. Oppermann A.P.B., S.F. Booysen, M. Koen, S.C. Binnehade, and Y.G.I. Oberholster, 1997 Accounting Standards, 7th ed. Cape Town: Jute.
15. Vorster, Q.W.A Joubert, M. Koen, and C. Koornuhof, 1997. Descriptive Accounting, 2nd ed... Cape Town: Juta.
16. Epstein B.J. and A.A. Mirza, 1998, JAS 98 – Interpretation and Application of International Accounting Standards, 1998, New York: John Wiley and Sons.
17. School of Accountancy, 1995 QE Pretoria: University of Pretoria.